O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 y.r. «18» май № 769-К Samarqand t.-p.Самарканд

Қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг энг кам меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги "2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4291-сонли қарори билан тасдиқланган 2019-2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишлар стратегиясининг 40-банди ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2020 йил 22 апрелдаги 59-Қ-сонли "Қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг энг кам меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 59-Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўпланиш меъёрларини аниқлаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқот ва хронометраж натижаларини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Самарқанд вилоят ҳокимининг 2020 йил 22 апрелдаги 59-Қ-сонли "Қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг энг кам меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 59-Қ-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари (Ш.Джумаев), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Самарқанд туман инспекцияси (Ж.Ходжаев), "Тоза ҳудуд" ДУК (Б.Жўрабеков), туман Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази (О.Бойқобилов)нинг қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг энг кам меъёрларини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлари маъкуллансин.

3. Туманда қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг энг кам меъёрлари (кейинги ўринларда - Меъёрлар) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Самарқанд туман инспекцияси (Ж.Ходжаев), тумандаги барча санитар тозалаш корхоналари билан биргаликда ҳудудларни санитария жихатдан тозалаш ишларини мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрлар асосида ташкил этилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, меъёрлардан:

санитар тозалаш корхоналари фаолиятларини олдиндан режалаштириш;

чиқинди ташиш техникалари, механизмлар ва ускуналарга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ҳисоб-китоб қилиш;

санитар тозалаш корхоналари томонидан маиший чиқиндиларни йиғиш ва аҳоли пунктларидан олиб чиқиш хизматини кўрсатиш;

юридик шахслар билан шартномалар тузиш;

маиший чиқиндиларни утилизация қилиш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш соҳасининг усулларини белгилаш мақсадларида фойдаланилади.

6. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати - матбуот котиби (Б.Хонкелдиев), ушбу қарорни “Гулобод тонги” газетасида расман эълон қилинишини ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

7. Ушбу карорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Джумаев зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Туман ҳокими **Н.Мавлонов**

Туман ҳокимининг 2020 йил
__ апрелдаги 769-Қ сонли қарорига
илова

Туманда қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланишининг энг кам меъёрлари

№	Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш объектлари	Ҳисоб бирлиги	Қаттиқ маиший чиқиндиларни бир кунлик тўпланиш меъёрлари кг/ҳисоб бирлик
	Турар жойлар		
1	Уй жой фонди (кўп квартирали уйлар ва якка тартибдаги)	1 киши (истиқомат қилувчи)	0,780
	Нотурар жойлар		
2	Маъмурий ва бошқа муассасалар (ташкилотлар, офислар, идоралар, банклар ва х.к.)	1 ходим	0,205
3	Меҳмонхоналар, умумий ётоқхоналар, дам олиш масканлари ва х.к.	1 ўрин	0,304
4	Интернатлар, мехрибонлик (болалар) уйлари, қариялар уйлари ва х.к.	1 ўрин	0,241
5	Умумий овқатланиш корхоналари (кафелар, ресторанлар, ошхоналар, барлар ва х.к.)	1 ўрин	0,526
6	Болалар боғчалари, яслилари ва х.к.	1 ўрин	0,052
7	Мактаблар, коллежлар, олий таълим муассасалари ва бошқа ўқув муассасалари.	1 ўқувчи, талаба	0,017
8	Поликлиникалар	1 ташриф буюрувчи	0,111
9	Шифохоналар, санаториялар, сиҳатгоҳлар, бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва х.к.	1 ётоқ ўрни	0,375
10	Театрлар, кинотеатрлар, концерт заллари, кутубхоналар, клублар, автомат ўйин заллари ва х.к.	1 ўрин	0,033
11	Сартарошхоналар, гўзаллик салонлари ва х.к.	1 ўрин	0,159
12	Стадионлар, спорт ареналари, спорт майдончалари ва х.к.	лойиҳа бўйича 1 ўрин	0,0002
13	Бозорлар, супермаркетлар, гипермаркетлар, озиқ-овқат дўконлари, саноат моллари дўконлари, ярмаркалар, хўжалик моллари дўконлари, савдо павильонлари, киоскалар, палаткалар ва х.к.	1 м^2 савдо майдончаси	0,073
14	Дорихоналар	1 м^2 савдо майдончаси	0,06
15	Кўчма озиқ – овқат дўконлари	1 савдо ўрни	2,937
16	Музейлар, кўргазмалар ва х.к.	1 м^2 умумий майдон	0,012
17	Спорт, рақс, ўйин заллари ва х.к.	1 м^2 умумий майдон	0,002
18	Улгуржи савдо базалари, озиқ-овқат ва саноат моллари, омборлари ва х.к.	1 м^2 умумий майдон	0,056
19	Вокзаллар, автовокзаллар, аэропортлар ва х.к.	1 м^2 умумий майдон	0,004
20	Маиший хизмат уйлари: аҳолига хизмат кўрсатиш	1 м^2 умумий майдон	0,002
21	Кирхоналар (кир ювиш), химчисткалар, кийим тикиш ва таъмирлаш ателъелари, пойабзал таъмирлаш устахоналари ва х.к.	1 м^2 умумий майдон	0,028
22	Ҳаммомлар, сауналар ва х.к.	1 м^2 умумий майдон	0,018
23	Маиший ва электрон техникаларни таъмирлаш устахоналари ва х.к.	1 иш ўрни	0,351
24	Автомобиль турар жойлари, автомобиль ювиш шохобчалари, автомобиль таъмирлаш устахоналари, ёқилғи қуйиш шохобчалари (АЁҚШ), гаражлар ва х.к.	1 машина-ўрни	3,894
25	Оммавий йиғилиш тадбирларини ўтказадиган юридик шахслар.	1000 қатнашувчи	0,042

Ижрочи: Туман ҳокимлиги бош мутахассиси
_____С.Очилов